

“Тасдиқланган”

“Туронбанк” АТБ Кенгашининг

“09” июл 2021 й.

К-48 -сонли Қарори

“Маъқулланган”

“Туронбанк” АТБ Бошқарувининг

“09” июл 2021 й.

68 -сонли Қарори

№ 893 .

**«ТУРОНБАНК» АТБ АХБОРОТ СИЁСАТИ
НИЗОМИ**

Тошкент 2021 йил

1. Белгиланган вазифаси

1. Мазкур Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда – “Низом”) «Туронбанк» АТБ (бундан буён матнда – “Банк”) ахборотни ошкор қилиш асосий мақсадлари, тамойиллари, шакллари, усуллари, тартиби ва муддатларини белгилайди.

2. Амал қилиш соҳаси

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши Банкнинг барча турдаги фаолиятига жорий қилинади. Хужжат Банкнинг барча таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан қўлланилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Умумий қоидалар

3. Мазкур Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарорларига, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ва жаҳонда ривожланаётган манфаатдор шахсларга ахборотни ошкор қилиш амалиёти ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Мазкур Низомда қайд этилган ахборотни ошкор қилишга талаблар Банкнинг муҳим ахбороти махфийлигини бузмаслиги ҳамда Банкни давлат ва хусусий иқтисодий секторлардаги рақобатчиларига нисбатан ноқулай ҳолатга қўймаслиги керак.

5. Мазкур Низом давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни бошқармайди.

6. Мазкур Низомнинг таркибий қисми ахборот хавфсизлигидан иборат бўлиб, у қуйидаги вазифалар бажарилиши орқали таъминланади:

1) Бизнес-жараёнлар юқори сифатини қўллаб-қувватлаш мақсадида Банк ахборот активларининг яхлитлигини таъминлаш;

2) Бизнес-жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Банк ахборот активларидан узлуксиз фойдаланишни таъминлаш;

3) Ахборот технологиялари билан ишлашда Банк ахбороти махфийлигини ва бошқа соҳаларини таъминлаш.

7. Банк активлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ахборот хавфсизлиги сиёсати билан тартибга солинади.

8. Мазкур Низомни амалга ошириш доирасида ахборотни ошкор қилиш ички тартиб-таомиллари Банк Устави асосида тасдиқланадиган Банкнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланади.

4. Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом мақсадлари

9. Банк ахборотни қуйидаги мақсадларда ошкор қилади:

- акциядорлар, миждозлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (бундан буён матнда – “манфаатдор шахслар”) Банк ва унинг фаолияти тўғрисида шубҳасиз тўғри ахборотга эҳтиёжларини қондириш орқали Банк фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш;

- Банкнинг тегишли корпоратив бошқарув стандартларига риоя қилишга тайёрлигини тасдиқлаш;

- Банкнинг ижобий имиджини шакллантириш ва таъминлаш.

10. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестициявий ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган Банк ва унинг фаолияти тўғрисида шубҳасиз тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Банк тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

11. Ахборотнинг тижорат сирига киритилиши, ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

12. Ахборотнинг банк сирига киритилиши, ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

5. Асосий тушунчалар

13. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

1) Банк – «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банки;

2) манфаатдор шахслар – қонун ҳужжатлари меъёрлари, тузилган шартномалар (контрактлар) асосида ёки билвосита (бавосита) Банк фаолиятига таъсир этадиган ёки таъсир этиши мумкин бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар, жисмоний ёки юридик шахслар гуруҳлари. Ушбу таъриф Банк билан таниш бўлган ёки Банк тўғрисида ўз фикрини билдириши мумкин бўлган барча шахсларга татбиқ қилинмайди. Акциядорлар, ходимлар, омонатчилар ва бошқа мижозлар, таъминотчилар, давлат органлари ва бошқарувчилар, шўъба ва бирлашган хўжалик субъектлари, кредиторлар, инвесторлар, жамоат ташкилотлари, Банк фаолияти амалга ошириладиган регионлар аҳолиси манфаатдор шахсларнинг асосий вакиллари ҳисобланади;

3) мансабдор шахс – Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари;

4) махфий ахборот – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган, давлат сирларига тегишли бўлмаган, бироқ учинчи шахсларга номаълумлиги туфайли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қиммати эга бўлган (шу жумладан, тарқатилишига чеклов хизмат зарурияти билан талаб қилинадиган ахборот), чекланган шахслар доираси қонуний асосда эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлган ва Банк томонидан махфийлигини муҳофаза қилиш чоралари кўриладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

5) изоҳларнинг тақдим қилиниши – оммавий ахборот воситалари вакилларининг оғзаки ва ёзма сўровларига жавоблар тақдим қилиниши;

6) ахборотнинг ошкор қилиниши – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, Банк Уставида, Корпоратив бошқарув кодексида, “Тошкент” Республика фонд биржасининг листинг талабларида ёхуд хорижий фонд биржасининг қўлланиладиган талабларида ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, усуллар ва шаклларда барча манфаатдор томонлар учун ахборотдан фойдаланиш имкониятининг таъминланиши;

7) оммавий ахборот воситалари – вақтли матбуот нашри, теле-, радиоканал, кинодокументалистика (ҳужжатли фильмлар), аудиовизуал ёзув ва оммавий ахборотнинг бошқа даврий ёки узлуксиз оммавий тарқатилиши, шу жумладан, интернет-ресурслар.

14. Мазкур Низомда фойдаланиладиган бошқа атамалар ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларида ёхуд умумий қабул қилинган халқаро амалиётда белгиланган мазмунга эга.

6. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

15. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг асосланганлиги, тўлиқлиги, шаффофлиги, релевантлиги, боғлиқлиги, мунтазамлиги, оперативлиги, ҳужжатлар билан тасдиқланиши, фойдаланиш

имконияти мавжудлиги, объективлиги, изчиллиги, тенг ҳуқуқлиги, мувозанатланганлиги, ҳимояланганлигидан иборат.

1) Асосланганлик тамойили барча акциядорларга ва бошқа манфаатдор шахсларга Банкка маълум фактлар бузилмаган ҳолда ахборот тақдим қилинишини англатади;

2) Тўлиқлик тамойили Банк барча акциядорларга ва бошқа манфаатдор шахсларга фактлар сир тутилмаган, бунда ўзи ҳақида акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан ишларнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида энг тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда салбий ахборот ошкор қилинишидан бош тортмаган ҳолда ҳақиқатга мувофиқ ахборот тақдим қилинишини англатади, махфий ахборот бундан мустасно;

3) Шаффофлик тамойили акциядор(лар)га ва бошқа манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида тўлиқ ва асосли ахборот ошкор қилинишини назарда тутди;

4) Релевантлик тамойили Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборот Банк фаолиятига тегишли эканлигини англатади;

5) Боғлиқлик тамойили Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборот ифодалашдан фойдаланиш ва уни хронологик тартибда таҳлил қилиш имкониятини яратиш учун ифодалашнинг бир хил ёндашувлари ва тамойиллари қўлланилган ҳолда тузилганлигини англатади;

6) Мунтазамлилик тамойили акциядорларга ва бошқа манфаатдор шахсларга қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ахборотнинг доимий ва мунтазам равишда ошкор қилинишини назарда тутди;

7) Оперативлик тамойили акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахсларни Банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига таъсир этувчи, шунингдек уларнинг манфаатларига тегишли ҳодисалар ва фактлар тўғрисида максимал қисқа муддатларда хабардор қилишни таъминлашга йўналтирилган;

8) Ҳужжатлар билан тасдиқланиш тамойили Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборот ҳужжатларга ва реал ҳодисаларга асосланганлигини англатади;

9) Ахборотдан фойдаланиш имконияти мавжудлиги тамойили дейилганида, Банкнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, қийинчиликсиз, танланмаган ва энг кам харажатли тарзда фойдаланишларини таъминлайдиган тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланиши тушунилади;

10) Объективлик тамойили Банк ўз фаолиятини ёритишда акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар учун муҳим ҳисобланган ўз фаолияти

тўғрисидаги салбий ахборотнинг ошкор қилинишидан бош тортмаслигини англатади;

11) Изчиллик тамойили Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборот ўхшаш ёки ўзаро боғлиқ масалаларга нисбатан олдин ошкор қилинган ахборот билан барча муҳим муносабатларда изчил эканлигини англатади;

12) Тенг ҳуқуқлилик тамойили Банк барча акциядорларга ва бошқа манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида ахборот олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни таъминлашини англатади, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

13) Мувозанатланганлик тамойили Банк манфаатларига қатъий риоя қилинган ҳолда акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини максимал амалга ошириш мақсадида, бир томондан, Банкнинг ахборотни ошкор қилишда очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда иккинчи томондан, унинг тижорат манфаатларини ва ахборот махфийлигини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши ўртасидаги оқилona мувозанатга риоя қилинишини назарда тутди. Бунда, қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

14) Ҳимояланганлик тамойили ахборотни ошкор қилиш ва (ёки) узатиш тартиби бузилиши натижасида моддий ва номоддий зарар олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларида рухсат берилган банк, тижорат сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ёхуд махфий ҳисобланган ахборотни ҳимоялаш усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутди.

7. Ахборот сиёсатининг амалга оширилиши

16. Ахборот сиёсатини амалга ошириш учун Банк:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Банк Устави, Корпоратив бошқарув кодекси талабларига, қўлланиладиган листинг қоидалари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ, ошкор қилиниши мажбурий ҳисобланган ахборот (маълумотлар) ҳисобини юритади;
- ахборот ошкор қилиниши тартибини белгилайди;
- Банк махфий ахборотни ўз ичига олган, ошкор қилиниши (узатилиши, назоратсиз тарқатилиши) Банк манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар рўyxатини белгилайди ва риоя қилиниши махфий

ахборотнинг тегишлича сақланишига ёрдам берадиган керакли чора-тадбирларни тайинлайди;

- ахборот тарқатилиш усуллари, шакллари ва тартибини аниқлаш, шунингдек ошкор қилинадиган ахборотни тайёрлаш ва уни тарқатиш учун масъул шахсларни тайинлаш орқали Банк тўғрисидаги ахборот тарқатилишини назорат қилиш тизимини белгилайди;

- Банк Бошқарув органлари, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг Банк тўғрисидаги ахборотнинг тегишлича ошкор қилиниши ва махфий ахборотнинг тегишлича сақланишини таъминлаш учун жавобгарлиги ва ваколатларини белгилайди;

- Мазкур Низомни амалга ошириш учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида ягона ахборот маконини шакллантиради, у Банк ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборотнинг назорат қилинишини таъминлайди.

17. Инвестициявий жозибадорликни ошириш доирасида Банк ўз фаолиятида Корпоратив бошқарув кодексининг асосий тамойилларига асосланган ҳолда, Банкдаги ишларнинг жорий ҳолати тўғрисида қўшимча маълумотлар, изоҳлар ва расмий шарҳлар, Банк фаолиятининг молиявий таҳлилинини ўтказиш учун керакли ахборотни тақдим қилиш, оқилona инвестициявий қарорлар қабул қилиш орқали акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар билан доимий бевосита мулоқотни таъминлашга интилади.

18. Акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар учун муайян ахборот, шу жумладан мазкур Низомда қайд этилган ахборот ва Банкнинг ихтиёрига кўра бошқа қўшимча ахборот Интернет тармоғидаги Банкнинг www.turonbank.uz корпоратив веб-сайтида «Акциядорлар ва инвесторларга» бўлимида ҳамда бошқа ахборот мавзусига тегишли бўлимларда жойлаштирилади.

19. Ахборот сиёсатини амалга ошириш учун Банкнинг мансабдор шахслари ўзлари ва ўз аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек Банка Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши учун керакли бошқа ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт. Тақдим қилинган маълумотлар ўзгарган ҳолатда, мансабдор шахслар Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Банкни ушбу ўзгаришлар ҳақида дарҳол хабардор қилишлари шарт.

8. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва шакллари

20. Ахборотни ошкор қилиш шакллари Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборотдан барча манфаатдор шахсларнинг эркин ва оқилona харажатлар билан фойдаланишлари таъминланадиган тарзда танланади.

21. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборот қуйидаги усуллар ва шакллар орқали ошкор қилиниши мумкин:

- 1) оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
- 2) Банкнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириш;
- 3) ахборотни Ягона корпоратив ахборот порталида (www.openinfo.uz) жойлаштириш, шунингдек ваколатли регулятор хизматлари ва/ёки Банкнинг қимматли қоғозлари муомалада бўлган маҳаллий (www.uzse.uz) ва халқаро фонд биржалари органлари орқали жойлаштириш;
- 4) даврий матбуот нашрларида эълон қилиш;
- 5) ахборотни брошюралар ва буклетларда эълон қилиш;
- 6) акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан суҳбатлар, матбуот конференциялари ва учрашувлар ҳамда бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш;
- 7) инвесторлар, аналитиклар, ОАВ вакиллари томонидан Банка ташрифларни ташкиллаштириш;
- 8) акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга уларнинг тегишлича ва қонуний расмий талабларига асосан ахборотдан (ҳужжатлардан) фойдаланиш имкониятини тақдим қилиш ва ушбу ҳужжатлар нусхаларини тарқатиш;
- 9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар ва шакллар.

22. Банк акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан қуйидаги коммуникация усулларида ҳам фойдаланиши мумкин:

- Банк вакилларининг шахсан иштирокида ҳам, масофавий каналлардан фойдаланиш орқали ҳам гуруҳ-гуруҳ шаклидаги учрашувлар ва яқка тартибда “бирга бир” шаклидаги учрашувлар;
- халқаро ва маҳаллий молиявий-инвестицияга доир конференциялар;
- роуд-шоу, тақдимотлар, сайт-ташрифлар;
- аудио/видео конференц-қўнғироқлар;
- мунтазам қўнғироқлар / электрон почта бўйича саволларга жавоблар.

23. Банк манфаатдор шахслар учун қуйидагилардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида ўз корпоратив веб-сайтидан амалда бажариш мумкин бўлган даражада фойдаланиши мумкин:

- оммавий эълонлар;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва

қўлланиладиган листинг талабларига мувофиқ керакли Банкнинг муҳим ахбороти;

- Банк тақдимотлари (агар қўлланилса);
- Корпоратив бошқарув бўйича ҳужжатлар, шу жумладан Банк Кузатув кенгашига тегишли ҳужжатлар.

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий равишда ошкор қилинадиган ахборот рўйхати ва унинг ошкор қилиниш тартиби

24. Банк ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарорларида, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор қилади.

25. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

- Ягона корпоратив ахборот портали (www.openinfo.uz);
- “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайти (www.uzse.uz);
- Банкнинг корпоратив веб-сайти (www.turonbank.uz);
- оммавий ахборот воситалари.

26. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида, “Тошкент” Республика фонд биржасида, Банкнинг корпоратив веб-сайтида ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- қимматли қоғозлар эмиссиялари проспекти (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолатда);
- Банкнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ форматда тайёрланган йиллик ҳисоботи, шу жумладан Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига асосан тайёрланган аудит қилинган йиллик молиявий ҳисобот;
- Банкнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва ҳисобот йилининг тўққиз ойи яқунлари бўйича ҳисоботи;
- Банк фаолиятидаги муҳим факт тўғрисида хабарнома.

Банк юқорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларида (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.

27. Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички норматив ҳужжат ҳам Ягона корпоратив ахборот порталида (www.openinfo.uz) эълон қилиниши шарт бўлган ахборотнинг рўйхати ва унинг ошкор қилиниш муддатларини ҳамда Банкнинг ахборот ошкор қилиниши учун масъул таркибий бўлинмаларини белгилайди. Бунда, ички норматив ҳужжат Банкнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари томонидан, шу жумладан Банк Кузатув кенгашига бевосита бўйсунадиган бўлинмалар томонидан бажарилиши керак.

28. Банк қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировал варағига киритилган ва (ёки) қайд этилган ҳолатда, Банк барча керакли ахборотни листинг талабларига асосан ошкор қилади. Фонд биржасида листинг мавжуд бўлмаган ҳолатда, Банк ошкор қилинадиган ахборот рўйхати ва уни ўз корпоратив веб-сайтида ошкор қилиш юзасидан листинг талабларига максимал даражада риоя қилишга интилади.

29. Банк корпоратив веб-сайтига эга ва унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли Қарорида белгиланган рўйхат асосида ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

30. Оммавий ахборот воситаларида қуйидаги ахборот ошкор қилиниши шарт:

- Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома;
- Банкнинг жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгаришлари тўғрисида билдириш хати;
- Банкнинг акцияларни имтиёзли харид қилиш ҳуқуқига эга акциядорларига акцияларни ёки акцияга конвертация қилинадиган эмиссия қимматли қоғозларини харид қилиш таклифи;
- Банк томонидан акцияларнинг сотиб олиниши тўғрисида ахборот;
- Банкнинг тугатилиши, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талаблар билдириш тартиби ва муддати тўғрисида ахборот.

10. Корпоратив веб-сайтдаги қўшимча ахборот рўйхати ва унинг ошкор қилиниши тартиби

31. Банк корпоратив веб-сайти яхши тузилган, алоҳида мавзу бўлимларида ахборот жойлаштириш билан навигация учун қулай бўлиши ва барча манфаатдор томонлар учун фойдаланиш имконияти яратилган бўлиши керак. Банк корпоратив веб-сайтини актуаллаштириш заруриятга қараб, бироқ энг камида ҳафтасига бир марта амалга оширилади.

32. Банкда корпоратив веб-сайтида жойлаштирилган ахборотнинг тўлиқлиги ва актуаллигини, шунингдек ушбу ахборотнинг корпоратив веб-сайтнинг давлат тили, рус тили, инглиз тилидаги версияларида жойлаштирилган ахборотга мувофиқлигини мунтазам асосда назорат қилиш амалга оширилиши керак. Бунда, корпоратив веб-сайтнинг рус тили ва инглиз тилидаги версияларини ташкил этиш, ахборот билан тўлдириш ва таъминлаш Банк фаолиятига тегишли бўлмаган вазифалар юклатилишига олиб келмаслиги керак. Банкда корпоратив веб-сайтидаги ахборотнинг тўлиқлиги ва актуаллиги учун жавобгар шахслар (таркибий бўлинма) тайинланган бўлиши керак.

33. Банк корпоратив веб-сайти, энг камида, қуйидаги қўшимча ахборотни ўз ичига олиши керак:

1) Банк тўғрисида умумий ахборот, шу жумладан фаолият асосий йўналишлари, асосий вазифалари, мақсадлари ва устувор йўналишлари, ташкилий тузилиши ва бошқарув тузилиши, Кузатув кенгаши таркиби ва Кузатув кенгаши қўмиталари, Бошқарув таркиби, ходимлар умумий сони, Банкнинг молиявий ва операцион натижалари тўғрисида ахборот;

2) ривожланиш стратегиялари тўғрисида ахборот (энг камида, стратегик мақсадлар, шу жумладан Банк томонидан амалга оширилаётган давлат сиёсатининг алоҳида мақсадлари) ва унинг амалга оширилиши тўғрисида ахборот; фаолиятнинг энг муҳим молиявий ва номолиявий кўрсаткичларини ошкор қилиш орқали мақсадлар бажарилиш натижалари, Банк бир-бирига зид келиши мумкин бўлган мақсадлар ўртасида қандай тарзда мураса йўлини топиши тўғрисида ахборот;

3) Банк Бошқарув органлари, Кузатув кенгаши қўмиталари, ички аудит хизмати ва корпоратив консультант фаолиятини тартибга солувчи Устав ва ички ҳужжатлар;

4) Корпоратив бошқарув кодекси, шунингдек Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш ва унга риоя қилиш мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисида ахборот;

5) Ахборот сиёсати тўғрисида Низом (Ахборотни ошкор қилиш сиёсати);

6) одоб-ахлоқ тамойиллари тўғрисида ахборот;

7) рискларни бошқариш тўғрисида ахборот; шу жумладан, рискнинг ҳар қандай муҳим прогноз қилинадиган омиллари ва бундай рискларни бошқариш учун кўрилган чоралар тўғрисида ахборот;

8) аудиторлик текширувини амалга ошириш тартибини ва аудиторлик ташкилоти билан ўзаро муносабатларни белгилайдиган ҳужжатлар;

9) дивиденд сиёсати;

10) Кузатув кенгаши аъзолари тўғрисида ахборот, шу жумладан қуйидаги маълумотлар: Кузатув кенгаши аъзосининг (мустақил аъзоси, акциядор

вакили) фотосурати (Кузатув кенгаши аъзоси билан келишувга асосан), фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, мақоми, Кузатув кенгаши аъзоси функцияларини кўрсатиш, шу жумладан Кузатув кенгаши қўмиталарига аъзолик ёки Кузатув кенгаши Раиси вазифаларининг бажарилиши, маълумоти, шу жумладан асосий ва қўшимча маълумот (таълим муассасаси номи, битирув йили, ихтисослиги, олинган даражаси), сўнгги беш йил мобайнидаги иш тажрибаси, асосий иш жойи ва ҳозирги вақтда эгаллаб турган бошқа лавозимлари, шу жумладан Кузатув кенгашларида, бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотларда эгаллаб турган лавозимлари, профессионал ихтисослиги, Кузатув кенгашига биринчи марта сайланган сана ва амалдаги Кузатув кенгашига сайланган сана, Банкнинг тегишли акциялари мавжуд эмаслиги ёхуд сони ва улуши тўғрисидаги маълумотлар;

11) Бошқарув аъзолари тўғрисида ахборот, шу жумладан қуйидаги маълумотлар: фотосурати, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, лавозими ва бажарадиган функциялари, маълумоти, шу жумладан асосий ва қўшимча маълумот (таълим муассасаси номи, битирув йили, ихтисослиги, олинган даражаси), сўнгги беш йил мобайнидаги иш тажрибаси, профессионал ихтисослиги, ўриндошлик бўйича эгаллаб турган лавозимлари, Банкнинг тегишли акциялари мавжуд эмаслиги ёхуд сони ва улуши тўғрисидаги маълумотлар;

12) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг йиллик ҳисоботлар мазмунини тартибга солувчи ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ форматда тайёрланган Банкнинг йиллик ҳисоботлари;

13) энг яхши халқаро амалиёт ҳисобга олинган ҳолда ва Банкнинг йиллик ҳисоботлар мазмунини тартибга солувчи ички ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган ҳамда Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Банкнинг йиллик ҳисоботлари. Банк тўғрисида ахборотни излаб топишни осонлантириш мақсадида муҳим ахборот бундай Банкнинг йиллик ҳисоботида ҳам, корпоратив веб-сайтида ҳам ошкор қилиниши керак;

14) аудиторлик ташкилоти тўғрисида ахборот, шу жумладан аудиторлик ташкилотига тўланадиган иш ҳақи тўғрисида ахборот, шунингдек алоҳида аудиторлик хизматлари ва молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлмаган хизматлар тўғрисида ахборот ва бошқа ахборот;

15) Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтган даврлар учун тайёрланган тегишли молиявий ҳисоботлар асосида ўтказилган аудиторлик текшируви тўғрисида аудиторлик хулосалар;

16) тасдиқланган дивидендлар миқдори тўғрисида ахборот;

17) харид қилиш фаолияти тўғрисида ахборот, шу жумладан харидлар қоидалари, режаси, харидлар эълонлари ва натижалари;

18) бошқарув тузилиши, мулк ва овоз бериш тўғрисида ахборот, шу жумладан давлатга тегишли акцияларнинг эгаси ким эканлиги ва давлатга тегишли акцияларга нисбатан акциядор ҳуқуқлари ким томонидан амалга оширилаётганлиги ҳақида маълумотлар, акциядорлар таркиби ва овоз бериш ҳуқуқининг тақсимланиши, уларга тегишли оддий акциялар сони ва улуши тўғрисида ахборот;

19) активлар таркиби тўғрисида ахборот, шу жумладан барча даражадаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ташкилий ва корпоратив алоқаларни аниқ идентификациялаш тўғрисида ахборот, улар фаолият соҳаси ҳақида қисқача маълумот;

20) йирик битимлар ва (ёки) тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар тўғрисида ахборот, шунингдек давлат ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисида ахборот, шу жумладан ушбу битимларнинг бозор қийматини ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун керакли барча маълумотлар. Бундай ахборот, махфийлик режими бузилмаган ҳолда, битим Тарафлари, битимнинг муҳим шартлари (битим предмети, битим нархи), битимни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

21) барқарор ривожланиш соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот, шу жумладан Банк фаолиятининг молиявий ва номолиявий кўрсаткичларига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ёхуд раҳбарият ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, мижозлар, кредиторлар, таъминотчилар ва Банк ўз хизматларини тақдим қиладиган ҳудудлар аҳолиси каби бошқа манфаатдор шахслар билан муносабатлар каби манфаатдор шахсларга жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ходимлар ва бошқа манфаатдор шахсларга тегишли муҳим масалалар тўғрисида ахборот. Ошкор қилинадиган ахборот ижтимоий соҳада, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, инсон ҳуқуқлари соҳасида ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисидаги ҳар қандай муҳим ахборотни ҳам ўз ичига олади;

22) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) ва ушбу соҳада қарорлар қабул қилиш тартиби, шартлари тўғрисида ахборот, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисида ахборот;

23) корпоратив саналар йиллик тақвими;

24) махфийлик режими бузилмаган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари;

25) махфийлик режими бузилмаган ҳолда, Кузатув кенгаши фаолияти тўғрисида ахборот, шу жумладан Кузатув кенгаши йиғилишлари, Кузатув кенгаши аъзоларининг йиғилишларда иштироки, йиғилишларда кўриб чиқилган кун тартиби/ масалалар ва овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ахборот;

26) махфийлик режими бузилмаган ҳолда, Кузатув кенгаши қўмиталарининг фаолияти тўғрисида ахборот, шу жумладан қўмиталар ва уларнинг таркиби, йиғилишлар сони, Кузатув кенгаши аъзоларининг йиғилишларда иштироки, йиғилишларда кўриб чиқилган кун тартиби/ масалалар ва овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ахборот;

27) ҳар қандай молиявий ёрдам тўғрисида ахборот, шу жумладан давлатдан олинган кафолатлар, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда Давлат ва Банк ўртасида хавфларни тақсимлаш механизмлари тўғрисида ахборот;

28) янгиликлар ва матбуот-релизлар;

29) қонун ҳужжатлари ва/ёки Банкнинг ички ҳужжатлари бузилишларини, шу жумладан фирибгарлик, коррупция, камситилиш, беадаб хатти-ҳаракат ҳолатларини ва Банк фаолиятига тегишли бошқа қоидабузилишларини ўз вақтида аниқлаш ва улар олдини олиш мақсадида мурожаат қилиш учун бевосита алоқа линиялари – алоқа каналлари (мулоқотлар) тўғрисида ахборот;

30) алоқа боғлаш учун маълумотлар/ акциядорлардан ёзма ёки электрон сўровномалар учун манзиллар.

34. Банк томонидан корпоратив веб-сайтда ёхуд энг яхши халқаро амалиёт ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган йиллик ҳисоботда ошкор қилинадиган қўшимча ахборот:

1) Банк томонидан давлат сиёсати ва ислоҳотларининг алоҳида мақсадлари, давлат органлари топшириқлари амалга оширилган ҳолатда, Банк бундай мақсадларга эришганлик, тегишли фаолият билан боғлиқ харажатлар ва уларни молиялаш манбалари тўғрисида ҳам ҳисобот беради. Бундай ахборотнинг ошкор қилиниши Банк фаолиятига тегишли бўлмаган вазифалар юклатилишига олиб келмаслиги керак;

2) Кузатув кенгаши аъзоларини танлашда ва Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларини аниқлашнинг тегишли малакалар, мезонлари мажмуини таъминлашда умумий ёндашув;

3) Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш, шу жумладан ҳақ тўлашнинг ҳақиқий даражаси ва улар асосидаги сиёсатлар. Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш юзасидан бундай ахборотнинг якка тартибда ошкор қилиниши тегишли амалиёт ҳисобланади. Ахборот шартномани бекор қилиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги низомни, шунингдек Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларига тақдим қилинадиган ҳар қандай махсус имтиёзлар ёки пулсиз шаклдаги компенсациялар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши керак;

4) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари.

35. Банк қонун ҳужжатларида ахборотни ошкор қилиш учун назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам Банк тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

11. Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши

36. Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотни Банк рўйхат асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, Банк Уставида, қўлланиладиган листинг талабларида ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳажмда, шаклда ва усулларда акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар эътиборига етказди.

37. Банк акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслар эътиборига ахборотни етказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, қўлланиладиган листинг талабларига ва Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

38. Агар Банк Кузатув кенгашининг қарори бўйича масала махфий ҳисобланса, Банкнинг тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборот эълон қилинмайди.

39. Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарор бўйича масала махфий ахборотни ўз ичига олган ҳолатда, мазкур қарор бўйича маълумотлар махфий ахборот ошкор қилинмаган ҳолда чекланган шаклда эълон қилинади.

12. Ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқи

40. Ахборотни ошкор қилиш ва Банк номидан изоҳлар тақдим қилиш ҳуқуқига мазкур Низом ва Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Банкнинг ваколатли ходимлари ўз ваколатлари доирасида эга бўладилар.

41. Банк Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни расмий шарҳлашга, шунингдек давлат, банк, хизмат, тижорат сири ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банк томонидан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг тегишлича сақланишини таъминлашга доир талабларга риоя қилиниши ҳисобга олинган ҳолда, Кузатув кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар бўйича Кузатув кенгашининг нуқтаи назарини ифодалашга ҳақли.

42. Банк Бошқарув Раиси Банк фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича оммавий чиқишларни амалга оширишга ҳақли. Банк Бошқарув Раиси Банк ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк ходимларига Банк номидан оммавий чиқиш (ахборот тақдим қилиш) ваколатларини беришга ҳақли.

43. Банкнинг раҳбарлик ва бошқарув ходимлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари Банк Бошқарув Раиси билан келишилган ва ташқи коммуникация учун масъул Банк таркибий бўлинмасини олдиндан хабардор қилган ҳолда назорат остидаги фаолият йўналишлари/ таркибий бўлинмалар жорий фаолияти масалалари бўйича Банк номидан оммавий чиқишларни амалга оширишга ҳақли.

13. Банк Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашинуви тартиби

44. Банк Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашинуви учун Банк масъул таркибий бўлинмани (ва/ёки алоҳида ходимни) тайинлаши мумкин, у орқали ахборот алмашинуви амалга оширилади.

45. Банк акциядорлари талабига асосан унга (уларга) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 104-моддасига ва Банк Уставига мувофиқ Банк ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини тақдим қилиш. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига асосан талаб қилинган ахборотни (талаб қилинган ҳужжатлар нусхаларини) акциядор мурожаат қилган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь куни ичида тақдим қилиши шарт.

46. Акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим қилиш тўғрисида ёзма (электрон) шаклдаги талабига асосан Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси (ўз фаолият йўналиши бўйича), агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон шаклда тақдим қилади.

47. Банк томонидан ҳужжатлар нусхалари тақдим қилинганлиги учун олинган ҳақ Банк томонидан белгиланади ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўлови ва ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш учун харажатлар қийматидан юқори бўлиши мумкин эмас.

48. Банк акциядорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар (қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк тўғрисида ахборот олган шахслар) банк, хизмат, тижорат сирини ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳимоя қилинадиган бошқа сирларни ўз ичига олган Банк ёки унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

14. Махфий ахборотни ҳимоя қилиш

49. Банк мансабдор шахслари ва ходимлари махфий ахборотнинг

тегишлича сақланишига доир барча талабларга риоя қилишлари, махфий ахборотнинг тегишлича сақланиши бузилиш эҳтимоли учун жавобгар бўлишлари, шу жумладан махфий ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга ва/ёки танишиб чиқишга, уларнинг бузиб кўрсатилишига ёки йўқ қилинишига, шунингдек бошқа шахсларга берилишига олиб келадиган ёки йўналтирилган тасодифий ёки қасддан амалга ошириладиган ҳаракатлар олдини олишлари шарт.

50. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига асосан махфий ахборотнинг тегишлича ҳимоя қилинишини таъминлайди. Бундай ахборотдан фойдаланиш шартлари, шунингдек уни олиш имконияти Банк томонидан Банк ошкоралиги ва унинг манфаатларига зарар етказмасликка интилиш ўртасидаги мувозанатга риоя қилиш зарурияти ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

51. Қуйидагилар махфий ахборотга тегишли эмас:

1) Умумий фойдаланиладиган маълумотлар асосида тайёрланган ахборот;

2) Оммавий ахборот воситаларидан олинган ахборот;

3) Манбаи номаълум бўлган тасдиқланмаган, кенг шахслар доираси орасида тарқатиладиган, шунингдек Банкнинг жорий ёки режалаштириладиган фаолиятига нисбатан тахмин қилинадиган ахборот.

52. Махфий ахборотдан фойдаланишга ҳақли шахслар рўйхати Банк хавфсизлиги масалалари учун масъул таркибий бўлинма (Хавфсизлик хизмати) томонидан тузилади ва Банкнинг ички ҳужжатида белгиланган тартибда янгиланади.

53. Ошкор қилинадиган ва махфий ахборот рўйхати, ахборотни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби ҳамда махфий ахборотнинг тегишлича сақланишини таъминлаш Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатда белгиланади.

54. Махфий ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисобга олиш, кўпайтириш, сақлаш ва ундан бошқача фойдаланиш тартиби Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатларда белгиланади.

55. Бошқа юридик шахслар билан ўзаро муносабатларда ёхуд тегишли битимлар ва шартномаларда махфий ахборотдан фойдаланилган ҳолатда, Банк махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги бандларни назарда тутди.

56. Банк мансабдор шахслари ва ходимлари махфий ахборотдан фақат Банк манфаатларида ҳамда мазкур Низомга ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишлари шарт. Банк контрагентлари уларга маълум бўлган махфий ахборотдан Ўзбекистон Республикасининг қонун

ҳужжатлари, Банкнинг бошқа норматив ҳужжатлари ва битимларига асосан фойдаланишлари шарт.

57. Банк Бошқарув аъзолари ва ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг ошкор қилиниши ва тегишлича сақланишига доир белгиланган тартибга риоя қилиш тўғрисида мажбуриятни имзолайдилар.

58. Банк мансабдор шахслари, ходимлари ва контрагентлари томонидан махфий ахборотдан фойдаланиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Банк махфий ахборотни ноқонуний фойдаланишдан ҳимоялашга йўналтирилган махсус тартиб-таомилларни жорий қилишга ҳақли. Қайд этилган тартиб-таомиллар қуйидагилар учун жорий қилинади:

- махфий ахборотдан фойдаланиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланишни ҳамда Банк мансабдор шахслари, ходимлари ва учинчи шахслар томонидан махфий ахборотдан Банк манфаатларидан ташқари фойдаланишни истисно қилиш;

- Банкка акциядорлар, инвесторлар, ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан ишонч даражасини ошириш.

15. Банк ахборот сиёсатига риоя этилиши назорат қилиниши таъминлаш чора-тадбирлари

59. Мазкур Низомда назарда тутилган ахборотнинг ошкор қилиниши ва оммавий ахборот воситаларида Банк тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши учун Банкнинг оммавий ахборот воситалари билан коммуникация учун масъул таркибий бўлинмаси (Матбуот маркази) жавобгар бўлади. Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари (ўз соҳалари бўйича) ахборотнинг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри тақдим қилиниши, ахборотни ошкор қилиш ва Банк Матбуот маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ўз функцияларининг тегишлича бажарилиши учун жавобгар бўладилар.

60. Мазкур Низомга мувофиқ ахборотнинг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ошкор қилиниши учун Банк Бошқаруви жавобгар бўлади.

61. Банк Кузатув кенгаши ҳар йили Банк Бошқарувининг Банк фаолият натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи доирасида мазкур Низом талабларини бажариш жараёни тўғрисидаги Банк Бошқаруви ҳисоботини танглайди.

16. Якуний қоидалар

62. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотни ташкил қилиш, унинг ҳолати ва тўғрилиги учун Банк Бошқаруви жавобгар бўлади.

63. Банк Кузатув кенгашининг қарорига асосан ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, асосли ва тўлиқ ошкор қилиниши Банк Бошқаруви фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга мукофот пуллари (бонуслар) тўлаш шарти бўлиши мумкин.

64. Ахборотни ошкор қилиш жараёнида Банкка зарар етказилишига олиб келган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом ва Банкнинг ички ҳужжатлари бузилиши ҳолатида, айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари мумкин.

65. Мазкур Низомда ҳал қилинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Банк Устави, қўлланиладиган листинг талаблари, акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кузатув кенгаши қарорлари ва белгиланган тартибда қабул қилинган Банкнинг ички ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

66. Мазкур Низомнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Банк Устави ўзгариши натижасида уларга зид бўлиб қолган ҳолатда, мазкур Низомнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига зид бўлмаган қисми қўлланилади. Ўз кучини йўқотган бандлар ва ушбу бандлар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави меъёрларига амал қилиниши керак.

Киритилди:

Банк аппарат раҳбари в.в.б.



А.И.Бобоёров


Келишилди:

**Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари**

х/с

А.Т.Ташев

Бошқарув Раиси ўринбосари




С.Т.Калдибаев

Бошқарув Раиси ўринбосари

х/с

Д.А.Рустамов

Бошқарув Раиси ўринбосари




Дж.А.Ташкулов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
ҳисобот департаменти директори



Ш.Э.Бозоров

Юридик департаменти
директори в.б.




Б.Н. Арипов

Ўқув Маркази бошлиғи в.б.



И.Т.Саламов

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори в.б.




Ш.А.Ибрагимова

Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар
департаменти директори в.б.




Т.Х.Ахмедов

Банкни стратегик ривожлантириш
ва маркетинг департаменти
директори в.б.



Ф.А.Рузикулова

Банк рискларини бошқариш
департаменти директори в.б.



С.О.Сафаров

Кредитлаш департаменти
директори в.б.



Ф.Ф.Шакаров

Инвестиция фаолиятини
мувофиқлаштириш ва
лойиҳаларни бошқариш
маркази директори в.б.



З.А.Хамраев

Чакана хизматлар кўрсатиш
департаменти директори в.б.




Р.Ш.Файзиев

Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори в.б.



И.З.Қутбиддинов

Ахборот технологиялари
департаменти директори в.б.



Б.Н.Дехканов

Банк хавфсизлиги ва
ахборотларни муҳофаза
қилиш бошқармаси
бошлиғи в.б.




Н.И.Тангнибердиев

Ички аудит департаменти
директори в.б.




Б.У.Ахмедов

Комплаенс назорат
департаменти директори в.б.



М.Д.Мирзаев

Ишлар бошқармаси
бошлиғи в.б.



А.А.Шаққулов